

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 330(575.1)*

РАИМЖАНОВА МАДИНА АСРАРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРГА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ФАОЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент- 2012

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари номзоди
Насиров Эгамкул Исмаилович.

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Иминов Одилжон Каримович;

иқтисод фанлари номзоди
Обломуратов Нарзулло Наимович.

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги.**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил «_____» _____ соат «_____» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «_____» _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, и.ф.д.**

Ф.И. Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш учун инвестициялар жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «... мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат»¹. Демак, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутувчи ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришни назарда тутди.

Миллий иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиниши иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларнинг узлуксизлигини таъминлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва иқтисодиётнинг реал сектори имкониятларидан унумли фойдаланишда қўл келади.

Очиқ иқтисодиёт қарор топишининг муҳим бўғини сифатида Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар оқимини янада кўпайтиришда жаҳон амалиётида фаол ривожланиб бораётган эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ)лар фаолиятини йўлга қўйишнинг кенг имкониятлари мавжуд.

Жаҳон амалиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, ЭИХлар миллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан биргаликда, ишлаб чиқаришга янги технологияларни олиб кириш, замонавий хорижий менежмент ва маркетинг тажрибаларидан фойдаланиш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи товарлар билан тўлдириш, мамлакат экспорт салоҳиятини янада ошириш, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, валюта тушумлари кириб келишини кўпайтириш ва пировардида миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини кучайишига олиб келади.

Юқоридаги сабабларга кўра, Ўзбекистонда турли шаклдаги ЭИХларни ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЭИХларнинг ташкил этилиши, ривожланиши, бошқарилиши ва уларга хорижий инвестициялар жалб қилиш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Е.Ф.Авдокушин, В.Д.Андрианов, В.И.Бутов, Т.П.Данько, Я.С.Друзик, Р.И.Зименков, В.В.Ивченко, В.Г.Игнатов, Ю.И.Кузнецов, З.М.Окрут, Н.А.Орлова, С.В.Приходько, С.А.Рыбаков,

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – б. 65.

Л.Б.Самойлова, В.А.Уваровлар² томонидан тадқиқ этилган. Ватанимиз иқтисодчи олимларидан А.В.Вахабов, Н.Ғ.Каримов, Н.Н.Обломуратов, С.С.Мирзалиева, Қ.Муфтайдинов, Г.Х.Разыкова, Д.Д.Рустамова, Ҳ.Р.Ҳамроев, Ш.Х.Ҳажибакиевларнинг³ илмий ишларида эса, ЭИХларни ташкил этишнинг хориж тажрибаси таҳлил қилинган ва иқтисодиётга инвестициялар жалб этишни айрим жиҳатлари кўриб чиқилган. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз минтақаларида турли хилдаги ЭИХларни ташкил этиш орқали уларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш масалалари яхлит, комплекс тарзда мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ЭИХларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- ЭИХларнинг мазмун-моҳияти, ташкил этиш хусусиятлари ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

- ЭИХларнинг таснифланиши ва уларга инвестицияларни жалб этишда қўлланиладиган имтиёزلарни белгилаш хусусиятларини аниқлаш, умумлаштириш ва тавсифлаш;

- жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда ЭИХларда самарали инвестицион фаолият юритиш учун яратилган зарурий шарт-шароитлар тизимини тадқиқ этиш;

- ривожланган мамлакатларда ЭИХлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва уларга инвестицияларни жалб қилишнинг илғор

² Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Юрист, 1999. – 161 с.; Андрианов В.Д. Россия: экономический и инвестиционный потенциал. – М.: Экономика, 1999. – 467 с.; Друзик Я.С. Свободные экономические зоны в системе мирового хозяйства. Учеб. пособие. – Мн.: ФУА.информ, 2000. – 368 с.; Ивченко В.В., Самойлова Л.Б. Свободные экономические зоны в зарубежных странах и России. – Калининград: Янтарный сказ, 1999. – 167 с.; Игнатов В.Г., Бутов В.И. Свободные экономические зоны. – М.: Ось-89, 1997. – 192 с.; Уваров В.А. Свободные экономические зоны Востока России. – Хабаровск: Информ-Этнос, 1994. – 191 с.; Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. – М.: ИНФРА-М, 1998. – 168 с.; Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. Учеб. пособие для вузов. – М.: Юнити-Дана, 2005. – 223 с.; Приходько С.В., Воловик Н.П. Особые экономические зоны. – М.: ИЭПП, 2007. – 268 с.; Рыбаков С.А., Орлова Н.А. Особые экономические зоны в России. – М.: Вершина, 2006. – 248 с.

³ Вахабов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Ғ. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 324 б.; Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Ҳажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики / Под ред. д.э.н., проф. А.В.Вахабова. – Т.: Молия, 2011. – 300 с.; Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: и.ф.д. ... дисс. автореферати. – Т., 2007. – 40 б.; Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. – Т.: Фан, 2008. – 352 б.; Обломуратов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: и.ф.н. ... дисс. автореферати. – Т., 2008. – 24 б.; Мирзалиева С.С. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: и.ф.н. ... дисс. автореферати. – Т., 2001. – 24 б.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: и.ф.д. ... дисс. автореферати. – Т., 2004. – 40 б.; Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: и.ф.н. ... дисс. автореферати. – Т., 2006. – 24 б.

тажрибаларини тадқиқ этиш ҳамда миллий иқтисодиётда қўллаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ) фаолияти ва унга инвестициялар жалб қилиниши амалиётини таҳлил этиш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- мамлакатимиз ҳудудларида ЭИХларни ташкил этишнинг иқтисодий асослари имкониятларини тадқиқ этиш ва асослаш;

- Ўзбекистонда ЭИХларга хорижий инвестициялар жалб қилишни фаоллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш усули бўлган ЭИХлар фаолияти.

Тадқиқот предмети: ЭИХларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимли ёндашув, гуруҳлаш, қиёсий, иқтисодий таҳлил ва таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши биринчидан, мамлакатимиз ҳудудларида турли хилдаги ЭИХларни ташкил этиш орқали хорижий инвестициялар жалб қилишни фаоллаштиришга, иккинчидан, мамлакат ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг юксалишига олиб келади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– жаҳон амалиётида фаолият юритувчи ЭИХлар фаолияти таҳлил қилинди, тавсифланди ва таснифланди;

– иқтисодий интеграциялашув шароитида жаҳон амалиётида ЭИХлар ривожланиши ва уларга хорижий инвестициялар жалб қилиш тенденциялари тадқиқ қилинди;

– хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини янада жадаллаштириш мақсадида республикаимизда эркин туризм, савдо, тадбиркорлик ҳудудлари ва илмий технопаркларни ташкил этиш шарт-шароитлари асослаб берилди;

– «Навоий» ЭИИЗда маҳаллий хом ашёдан кенгрок фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш таклиф этилди. Бунинг натижасида «CFM Pro Energies» қўшма корхонаси маҳсулоти бўлмиш E27 7Вт қувватли диод лампалари бутловчи қисмларининг 30% маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқариш асосида маҳсулот таннархи 2,5% га арзонлашиб, йилига ўртача 28,32 млн. сўм иқтисод қилиниб, ушбу маблағларни реинвестиция қилиш имконияти аниқланди;

– «Навоий» ЭИИЗга хорижий инвестициялар жалб қилишни фаоллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишнинг илмий янгилиги:

- «эркин иқтисодий ҳудуд» тушунчасининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди;
- ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ЭИХларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди, тавсифланди ва таснифланди;
- ЭИХларни ташкил этиш ҳамда уларга инвестициялар жалб қилишни фаоллаштириш учун, ЭИХларнинг турлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, табақалашган имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқлиги асосланди;
- «Навоий» ЭИИЗда яратилган қулай инвестицион муҳитдан самарали фойдаланиш, жумладан, айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари аниқланди;
- «Навоий» ЭИИЗга инвестициялар жалб қилиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- жаҳон амалиётида ЭИХларга хорижий инвестициялар жалб қилиш борасидаги ижобий тажрибалардан фойдаланиш, хусусан, мамлакатимиз ҳудудларида эркин савдо, туризм, тадбиркорлик ҳудудлари ва илмий технопарклар ташкил этиш орқали ички ва ташқи инвестициялар жалб қилишнинг кенг имкониятлари мавжудлиги асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти олиб борилган изланишлар натижасида шакллантирилган илмий-назарий ғоялар ва хулосалар Ўзбекистонда ЭИХни ташкил этиш орқали инвестицион фаолликни ошириш, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишга бағишланган истиқболда амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларида фойдаланишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида илгари сурилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда ЭИХларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ҳамда алоҳида минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертациядан олий ўқув юртлирида «Хорижий инвестициялар» ва «Инвестицион сиёсат» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Илмий тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Навоий вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси (23.03.2011 йилдаги 093-сонли далолатнома), Ўзбекистон Республикаси «Навоий» Эркин индустриал-иқтисодий зона давлат унитар корхонаси дирекцияси (25.03.2011 йилдаги 87/11-сонли далолатнома), Ўзбекистон Республикаси ДАТСК «Ўзпроммашимпекс» (20.01.2012 йилдаги 024-сонли далолатнома) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан Тошкент молия институти томонидан (16.03.2011 йилдаги 001/11-03-11-сонли далолатнома) «Хорижий инвестициялар», «Инвестицион сиёсат» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш учун қабул

қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот ишининг илмий натижалари «Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли» (Тошкент, 2009), «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти» (Тошкент, 2011), «Эркин иқтисодий худудларга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш («Навоий» ЭИИЗ мисолида)» (Тошкент, 2012) мавзуларидаги республика илмий-амалий конференцияларида илмий маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент молия институти «Лойиҳаларни молиялаштириш» кафедрасининг кенгайтирилган мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий мазмуни ва натижалари нашр этилган саккизта илмий мақола, маъруза тезисларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг матни 163 бетдан иборат бўлиб, унда 10 та жадвал, 19 та расм ва 18 та илова ўрин олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Жаҳон иқтисодиёти ривожланган сари давлатлараро капитал ҳаракати глобаллашиб бормоқда. Халқаро капитал оқими ҳар қандай ўзгаришларга сезгир бўлиб, қайси давлатда қулай инвестиция муҳити яратилган бўлса, шу давлатга инвестициялар оқими кучайиб бормоқда. Халқаро амалиётда ЭИХлар ички ва ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётнинг алоҳида танлаб олинган худудларига фаол жалб қилишнинг замонавий усулларида бири ҳисобланмоқда.

Иқтисодий адабиётда ЭИХларга турлича таъриф берилмоқда. Бир гуруҳ олимлар «ЭИХдаги хорижий товарлар ҳеч қандай божхона тўловларисиз сақланиши, сотилиши ёки харид қилиниши мумкин бўлган худуд»⁴, деб эътироф этишган бўлса, яна бир гуруҳи «ЭИХ - бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган худуд»⁵, деб таъриф беришган.

Фикримизча, биринчи ёндашув турли хилдаги ЭИХларнинг асосий хусусиятларини етарлича ёритиб бера олмайди, чунки ушбу изохлар фақат товарларни худудга олиб кириш ва олиб чиқиб кетишга тааллуқлидир. Ушбу

⁴ Кузнецов А. Свободные зоны и национальная экономика // Мировая экономика и международные отношения. - 1990. - N 12. - С. 24; Рыбаков С.А., Орлова Н.А. Особые экономические зоны в России. - М.: Вершина, 2006. - С. 12.

⁵ Вахабов А.В., Хажикаев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2010. - Б. 180; Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. - М.: ИНФРА-М, 1998. - С. 27; Игошин Н.В. Инвестиции. Организация, управление и финансирование. Учебник для вузов. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2000. - С. 45.

таърифни айнан эркин савдо ҳудудларига берилган таъриф, деб ҳисобласа бўлади. Иккинчи ёндашувдаги таърифни эса, ЭИХнинг барча турларига нисбатан ишлатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонунига кўра: «Эркин иқтисодий зона – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталли, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир»⁶.

Фикримизча, мамлакат ҳудудида махсус иқтисодий режим ва маъмурий бошқарувга эга бўлган, давлат аралашуви камайтирилган ва айна вақтда унинг назоратидан буткул озод этилмаган, балки хўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритиши учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар бериладиган ҳудуд – ЭИХ, деб тушунилади.

Иқтисодий адабиётда турли хилдаги ҳудудларнинг моҳиятини ёритишда «эркин иқтисодий ҳудуд» терминидан фойдаланилади. Бироқ, бу термин унинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Бунда қўлланиладиган иқтисодий қоидалар, махсус маъмурий тартиб, шу ҳудудда фаолият юритадиган тадбиркорларни аниқ белгиланган ҳуқуқий ва хўжалик режимларидан бутунлай озод қилмайди, балки уларни енгиллаштиради, маълум имтиёзлар беради. Кўриниб турибдики, ЭИХ том маънода эркин эмас, балки нисбатан эркин ҳудуддир. Бу ҳудудга олиб кирилган товарлар божхона тўловлари, импорт назоратларидан озод этилгани учун ҳам бундай ҳудуд - эркин иқтисодий ҳудуд, деб аталади. Шу билан бирга, қонунлар товар эгалари ва инвесторларни мавжуд иқтисодий-ҳуқуқий тартиботдан озод қилмайди, балки уни енгиллаштиради. Шунинг учун, фикримизча, бундай ҳудудни «эркин» эмас, балки «махсус» иқтисодий ҳудуд, деб аташ ўринлидир.

ЭИХни ташкил қилишдан мақсад ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги макроиқтисодий масалалар ечимига қаратилган бўлади: мамлакат иқтисодий ўсиш даражасини жадаллаштириш; саноат тармоқларини модернизациялаш; миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш; тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтириш; янги иш ўринлари яратиш; муайян ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини ошириш; ҳудудни хўжалик юритишнинг замонавий усуллари қўллаш полигонига айлантириш; ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва ҳ.к.

Жаҳон амалиётида ЭИХларни ташкил қилиш мақсадлари турлича бўлишига қарамай, улар баъзи бир умумийликларга эга. Уларни иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник мақсадларга ажратиш мумкин.

Иқтисодий адабиётда ЭИХларнинг қатор турлари келтирилган. Амалга оширилган изланишлар натижасида ЭИХларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди, тавсифланди ва таснифланди. ЭИХлар тўрт мезон асосида таснифланди (1-расм).

ЭИХлар фаолияти ихтисослашувига кўра қуйидагича таснифланди: эркин

⁶ Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 й., 5-6-сон, 58-модда.

савдо ҳудудларига – эркин божхона, эркин портлар ва божсиз савдо дўконлари; саноат ишлаб чиқариш ҳудудларига – импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудудлар, экспорт-импорт ҳудудлари; техник татбиқ этиш ҳудудларига – технопарк ва технополислар; хизмат кўрсатувчи ҳудудларга – туризм ва оффшор ҳудудлар; комплекс ҳудудлар таркибига – эркин тадбиркорлик ва махсус иқтисодий ҳудудларни киритиш мумкин.



1-расм. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг таснифланиши⁷

ЭИХларга инвестициялар жалб этишнинг хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бир тури учун ўзига мос келувчи имтиёзлар ва рағбатлар тизими татбиқ қилинган. ЭИХларда қўлланиладиган имтиёзларни божхона (ташқи савдо), солиқ, молиявий ва маъмурийга бўлиш мумкин.

ЭИХларнинг турларига ушбу имтиёзларни бир хилда қўллаш кутилган самарани бермайди. Фикримизча, ЭИХларни ташкил этиш ва уларга инвестициялар жалб этишни фаоллаштиришда, уларнинг тури ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, табақалаштирилган тарзда имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, эркин савдо ҳудудларида энг асосий имтиёз бўлиб, божхона божларига тегишли итиёзлар, қўшимча имтиёзлар сифатида эса, солиқ ва маъмурий имтиёзлар қўлланилиши мумкин. Саноат ишлаб чиқариш ҳудудларида солиқ имтиёзлари билан биргаликда божхона, молиявий, маъмурий имтиёзлар қўлланилади. Эркин тадбиркорлик

⁷ Муаллиф томонидан тузилди.

худудларида божхона имтиёзлари иккинчи даражали ҳисобланади. Асосий ўринни эса, турли солиқ, молиявий ва маъмурий рағбатлантиришлар эгаллайди. Комплекс ЭИХларда божхона, солиқ, молиявий ва маъмурий имтиёзларнинг стандарт тизими қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот ишида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ЭИХлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва уларнинг инвестициялар жалб қилиш амалиёти тадқиқ этилган. Жумладан, АҚШда ташқи савдо худуд (ТСХ)лари, тадбиркорлик ва технопарклар шаклидаги ЭИХлар фаолиятининг хусусиятлари аниқланган. ТСХ миллий ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз хиссасини қўшмоқда. Улар аҳолининг худудларда бандлик даражасини оширишга, ички ва ташқи инвестициялар киритилиш ҳажмининг ошишига ҳамда асосан ички бозор эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

АҚШда ТСХлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, млрд. долларда⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2005	2006	2007	2008	2009	2010
ТСХга қайта ишлаш учун киритилган хом ашёлар	409,8	491,4	501,9	692,6	430,6	534,3
шу жумладан:						
- мамлакат ичидан киритилган хом ашёлар	256,0	301,9	300,4	396,3	248,6	311,2
- мамлакат ташқарисидан киритилган хом ашёлар	153,8	189,5	201,5	296,3	182,0	223,1
ТСХдаги лойиҳалар сони (дона)	251	256	254	253	253	254

1-жадвал маълумотлари кўрсатишича, АҚШ ТСХларида ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга мунтазам ўсиб борган. Бироқ, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида ТСХларига 2009 йилда қайта ишлаш учун киритилган хом ашёлар ҳажми кескин камайиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, мазкур кўрсаткич 2010 йилда 2009 йилга нисбатан ошган бўлишига қарамасдан, ҳали 2008 йил даражасига етгани йўқ. АҚШ ТСХлари мамлакат иқтисодиётига юқори даражада интеграциялашган бўлиб, ТСХларга қайта ишлаш учун киритилган жами хом ашёларнинг деярли 55 %дан кўпроғи айнан мамлакат ички бозоридан киритилади. 1990 йиллар охирида ушбу худудларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 88 % АҚШнинг ички бозорига экспорт қилинган⁹.

Саноат ишлаб чиқариш худудларининг экспортга йўналтирилганлиги мамлакатнинг жаҳон бозорида танилишида катта роль ўйнайди. Чунки, ЭИХлар фаолият кўрсатаётган 102 та давлатнинг ва бундай зоналари йўқ 123 та давлатнинг экспорт даражаси ўсиши тўғрисида шу нарса маълум бўлдики, 1995 йилдан 2000 йилгача ЭИХларга эга давлатларнинг экспорт кўрсаткичи бошқаларга нисбатан 4 баробар ошган (экспорт миқдори ошиши

⁸ 72th Annual report of the Foreign-Trade Zone Board to the Congress of the U.S. 2011. - P. 22.

⁹ Шарапов С.А. Свободные экономические зоны. – М.: Юнити-Дана, 2005. – С. 53.

нисбати 79 %га 21 %ни ташкил этган) ва биринчи гуруҳдаги давлатларнинг экспорт қиймати иккинчи гуруҳ мамлакатларидан 400 млрд. долларга ортиқ бўлган¹⁰.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларга киритилаётган хорижий инвестицияларнинг деярли 80 % ЭИХлар орқали амалга оширилади. ХХІ аср бошларида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) иқтисодиёти барқарор ривожланишида ЭИХларнинг роли катта бўлди. Хитой ЭИХлар орқали мамлакатга инвестициялар кириб келишини оширишга эришди. 1981 йилда тўртта (Шеньчжен, Чжухай, Шантов, Сямен) ЭИХ орқали Хитой иқтисодиётига киритилган жами тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)даги улуши 59,8 %ни ташкил этган. 1985 йилнинг охирига келиб эса, тўртта ЭИХдаги ТТХИ 1,17 млрд. АҚШ долларини ёки мамлакатга киритилган ТТХИнинг 20% ини ташкил қилди ва бу кўрсаткич деярли 1990 йилга қадар сақланиб қолди¹¹. Ҳозирда ХХРга кириб келаётган жами ТТХИда ЭИХларнинг улуши камайган бўлса ҳам, уларнинг абсолют миқдори ўсиш тенденциясига эга (2-жадвал).

2-жадвал

ХХР иқтисодиётига ва унинг тасарруфидаги ЭИХларга ТТХИлар киритилиши динамикаси (млрд. АҚШ доллари)¹²

Йиллар	Мамлакатга киритилган жами ТТХИлар	ЭИХларга* киритилган жами ТТХИлар	ЭИХларга киритилган ТТХИнинг улуши, % да
1990	3,49	0,73	20,9%
2000	40,71	4,40	10,8%
2006	72,71	5,94	8,2%
2007	83,52	7,26	8,7%
2008	108,31	8,72	8,0%
2009	95,00	10,08	10,6%
2010	105,70	11,49	10,9%

*умуммиллий миқёсдаги махсус ЭИХлар - Шеньчжен, Чжухай, Шантов, Сямен, Хайнан.

Шуниси аҳамиятлики, 1990 йилда ХХР иқтисодиётига киритилган ТТХИ ҳажми 3,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, мазкур йилда Хитойдаги бешта умуммиллий миқёсдаги (Шеньчжен, Чжухай, Шантов, Сямен, Хайнан) ЭИХларга киритилган ТТХИ 0,73 млрд. АҚШ долларини, яъни жамига нисбатан бешдан бир қисмини ташкил этган. 2000-2010 йилларда мазкур кўрсаткич 8-11 % атрофида бўлган. ХХРга 2010 йилда киритилган ТТХИ 1990 йилдагига нисбатан 30 мартага кўпайган бўлса, мазкур йилларда ушбу бешта ЭИХга киритилган ТТХИ 15 маротабага ошган. ХХР ҳукумати аввал турли хилдаги ЭИХларни ривожлантиришга катта аҳамият берди. Кейинчалик эса, ЭИХлардаги ўзгаришлар, уларда эришилган ютуқлар аста-секинлик билан мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқатила бошланди. Эндиликда

¹⁰ Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. Учеб. пособие для вузов. – М.: Юнити-Дана, 2005. - С. 57.

¹¹ Douglas Zhihua Zeng. How do special economic zones and industrial clusters drive China's rapid development? Policy research working paper 5583. 2011. - P. 9.

¹² www.fdi.gov.cn; www.mofcom.gov.cn; China's Special Economic Zones at 30. 2009 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

инвестициялар ЭИХлардан ташқари бошқа минтақа ва ҳудудларга ҳам фаол кириб бормокда.

3-жадвалда ХХРда фаолият кўрсатаётган ЭИХларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ЭИХлар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажмининг мамлакат жами экспортидаги, яратилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)нинг ХХР ЯИМдаги улуши орқали аниқланган.

3-жадвал

ХХР ва унинг тасарруфидаги ЭИХлар экспорти ва уларда яратилган ЯИМ (ЯХМ) динамикаси¹³

Йил	Мамлакат умумий экспорти, млрд. доллар	Шундан: ЭИХнинг* экспорт ҳажми, млрд. доллар	ЭИХнинг* мамлакат экспортидаги улуши, % да	Мамлакат ЯИМ, млрд. юан	Шундан: ЭИХ* ЯХМ, млрд. юан	ЭИХ* ЯХМнинг мамлакат ЯИМдаги улуши, % да
2006	969,1	176,2	18,2%	21631,4	951,9	4,4%
2007	1218,0	218,3	17,9%	26581,0	1115,2	4,2%
2008	1429,0	215,7	15,1%	31404,5	921,0	2,9%
2009	1194,0	240,9	20,1%	34090,3	1099,8	3,2%
2010	1506,0	257,7	17,1%	39798,3	1286,3	3,2%

*умуммиллий миқёсдаги махсус ЭИХлар - Шеньчжен, Чжухай, Шантов, Сямен, Хайнан.

3-жадвал маълумотларига кўра, таҳлил қилинган даврда бешта ЭИХларда яратилган ЯХМ бутун мамлакат миқёсида яратилган ЯИМнинг 2,9-4,4 %ини ташкил қилган бўлсада, ЭИХлар томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми мамлакат экспортининг 15-20 %ини ташкил қилган. Ушбу ЭИХлар ХХРнинг ташқи иқтисодий фаолияти кенгайишига, жаҳон бозоридаги ўрни ошиб боришига сезиларли таъсир кўрсатган. Таъкидлаш лозимки, Хитойда ЭИХларнинг аксарияти 10-15 йил фаолият юритгандан сўнг, хориж капитали иштирокидаги ривожланган ишлаб чиқариш комплексларига айланмокда.

Мамлакатимизда ҳам, ЭИХларни ташкил этишга катта аҳамият берилмокда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармони¹⁴ кўра, Навоий шаҳрининг халқаро аэропорти ҳудудида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этилган бўлса, 2012 йил 13 апрелдаги ««Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармони¹⁵ кўра, Тошкент вилоятида махсус индустриал зона (МИЗ) ташкил этилади¹⁵ (4-жадвал).

Ушбу ҳудудларнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этиб, кейинчалик узайтирилиши мумкин. Мазкур ҳудудларни ташкил этишдан кўзланган мақсадлар белгилаб олинди ва уларга киритиладиган инвестициялар миқдорига қараб амал қиладиган алоҳида солиқ, божхона имтиёзлари белгилаб

¹³ www.economywatch.com; www.mofcom.gov.cn; China's Special Economic Zones at 30. 2009 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹⁴ www.lex.uz/home/doc/1411630.

¹⁵ Халқ сўзи, № 73 (5493) 14.04.2012.

қўйилди. «Ангрен» МИЗда амал қиладиган имтиёзлар бўйича ТТХИларни жалб қилишда кучли рағбатлантириш тизимига эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, «Навоий» ЭИИЗда агар Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўзда тутиб, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар мамлакатга олиб кирилса, бунда божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50% миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

4-жадвал

Ўзбекистондаги ЭИХларда амал қиладиган имтиёзлар¹⁶

Имтиёзлар	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4059-сонли «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (2.12.2008)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4436-сонли ««Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармони (13.04.2012)
Солиқ ва мажбурий тўлов имтиёзлари	«Навоий» ЭИИЗда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар ягона солиқ тўлови, фойда, ер, мол-мулк ҳамда ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари ва мажбурий тўловлардан (Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмадан ташқари) озод этилади	«Ангрен» МИЗ қатнашчилари фойда, мол-мулк, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва Республика йўл жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилади
Инвестиция миқдорига қараб имтиёзларнинг амал қилиш муддати	3 млн. дан 10 млн. еврогача – 7 йил; 10 млн. дан 30 млн. еврогача -10 йил, кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади; 30 млн. евродан ортиқ бўлганда – 15 йил, кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади	- 300 минг дан 3 млн. АҚШ долларигача - 3 йил; - 3 млн.дан 10 млн. АҚШ долларигача - 5 йил; - 10 млн. АҚШ долларидадан ортиқ бўлганда -7 йил
Божхона имтиёзлари	ЭИИЗда фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида олиб келинаётган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади	«Ангрен» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади

«Навоий» ЭИИЗда фаолият юритувчи хўжалик субъектларига алоҳида ҳуқуқий тартиб, яъни уларнинг ҳудудга кириши, ҳудудда бўлиши ва чиқиб кетиши, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишлари учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Бу

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4059 ва ПФ-4436-сонли фармонлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

имтиёзларнинг барчаси фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилди. ЭИИЗ резидентлари томонидан киритилган тўғридан-тўғри инвестиция миқдориغا қараб имтиёз берилади. Навоий вилоятнинг иқтисодий салоҳияти юқори ҳисобланиб, унинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари 5-жадвалда келтирилган.


5-жадвал

Навоий вилоятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари¹⁷

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						
		2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
1.	ЯҲМ (млрд. сўм)	1099,4	1259,3	1681,2	2125,4	2577,4	3276,6	4016,9
2.	Асосий капиталга инвестициялар суммаси (млрд. сўм)	229,1	354,3	419,8	463	587,7	1611,7	1285,9
3.	Иш билан банд бўлганлар сони (минг киши)	378,1	383,2	389,8	396,7	405,7	408,8	413,4
4.	Экспорт (млн. доллар)	339,4	397,6	538,1	553,4	493,6	548,7	618,0
5.	Импорт (млн. доллар)	291,9	305,6	347,8	371,2	356,6	373,4	390,8
6.	ХИ иштирокидаги корхоналар сони, дона	11	17	13	12	18	21	21

5-жадвал маълумотлари кўрсатишича, вилоятда яратилган ЯҲМ 2011 йилда 4016,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан 3,6 мартага кўпайган. Иш билан бандлик кўрсаткичи ҳам ўсиш тенденциясига эга. 2005 йилда ташқи савдо айланмаси 631,3 млн. АҚШ долларини, ташқи савдо айланмаси сальдоси 47,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011 йилда мос равишда 1008,8 млн. ва 227,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Тадқиқот ишида Навоий вилоятига киритилган умумий ТТХИ таҳлили натижасида шу нарса маълум бўлдики, «Навоий» ЭИИЗ жойлашган Кармана туманига 2009 йидан бошлаб ТТХИ кириб келиши ошган (2-расм).



2-расм. Навоий вилояти туманларига жалб қилинган ТТХИ динамикаси (млн. сўм)¹⁸

2-расмдан кўриниб турганидек, ЭИИЗ ташкил этилгандан сўнг вилоят


¹⁷Альманах 2010-2011; Давлат статистика қўмитаси маълумотлари; Навоий вилояти ТИАИС бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹⁸ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

иқтисодиётига киритилган жами ТТХИ 2009 йилда 13,2%, 2011 йилда эса, 80% айнан Кармана туманига киритилган.

«Навоий» ЭИИЗда 2010-2011 йилларда умумий қиймати 160 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган 20 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш бўйича қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилди¹⁹. Улар электроника, автомобиль эҳтиёт қисмлари, косметика маҳсулотлари, полимерни қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати соҳасига тегишли лойиҳалардир. 2010 йилда «Навоий» ЭИИЗда ташкил қилинган корхоналарга 57,6 млн. АҚШ долларида заиёд инвестиция киритилган. Мазкур корхоналарни ишга тушириш орқали 397 тадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил қилинди²⁰. «Навоий» ЭИИЗда 2011 йилда 35,9 млрд. сўмлик ёки 20,5 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган миқдорда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва шундан 195,2 минг АҚШ доллариға тенг миқдордаги маҳсулотлар экспорт қилинди²¹.

Бундан ташқари, 2010-2011 йилги Давлат инвестиция дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига кўра, «Навоий» ЭИИЗда умумий қиймати 274,8 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган 24 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. ЭИИЗга киритиладиган инвестициялар ҳажми йил сайин ортиб бориши кўзда тутилган (3-расм).



3-расм. Навоий ЭИИЗга киритилган ва киритилиши режалаштирилган инвестициялар динамикаси (млн. АҚШ доллари)²²

Амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича таҳлили кўрсатишича, уларнинг қиймати бўйича етакчи ўринни Ўзфармсаноат 109,3 млн. АҚШ доллари (30%), Ўзэлтехсаноат 88,2 млн. АҚШ доллари (24%), Ўзбекнефтгаз 85,4 млн. АҚШ доллари (23%) эгалламоқда. Ўзавтосаноат иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича қиймати 40 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган бешта лойиҳани ишга тушириш кўзда тутилган бўлса, ҳозирда учта лойиҳа бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилиб, улар фаолияти йўлга қўйилган.

«Навоий» ЭИИЗда инвестиция лойиҳалари турли мамлакатлар

¹⁹ www.nfiez.uz/news.

²⁰ www.nav.uz/news/news_siez.

²¹ <http://podrobno.uz/cat/economic/SIEZ-Navoi-2011>.

²² 2009-2011 йилги Давлат инвестиция дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори асосида муаллиф томонидан тузилди.

ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Жами лойиҳаларга киритилаётган инвестициялар улуши бўйича етакчилик қилаётган мамлакатларга – Ҳиндистон (29%), Жанубий Корея (25%), Польша (12%), ва ХХР (8%)ни қайд этиш мумкин. Ривожланган мамлакатлардан АҚШ (5%), Германия (4%) ва Италия (2%) билан ҳам ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. «Навоий» ЭИИЗда Ҳиндистон билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тўртта лойиҳа суммаси 68,01 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, Жанубий Корея билан ҳамкорликда тўққизта лойиҳа амалга оширилмоқда, уларнинг қиймати 61,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, «Навоий» ЭИИЗда ташкил этилган корхоналарнинг аксарияти тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашёни импорт қилиш ҳисобига фаолият юритмоқда. Фикримизча, «Навоий» ЭИИЗда фаолият юритаётган корхоналар кўпроқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Navoi Beauty Cosmetics» ҚК томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хом ашёлари импорт қилинмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса, ички бозор эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Корхонага хом ашёни импорт қилиши учун валюта керак бўлади. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун биринчидан, фармон²³ ижросини таъминлаш мақсадида ««Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонада алоҳида валюта режими фаолияти тартиби» ишлаб чиқиши лозим. Иккинчидан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижасида эса, корхонага хом ашё етказиб беришда маҳаллий тадбиркорларнинг иш фаолияти кенгаяди, энг муҳими, ЭИИЗнинг катализаторлик хусусияти, унинг миллий иқтисодиётимизга интеграциялашганлик даражаси ортишига эришилади. Тадқиқот натижалари бўйича маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш тавсияларини «CFM Pro Energies» ҚК фаолиятида қўллаш натижасида: E27 7Вт қувватли диод лампа маҳсулотининг бутловчи қисмларининг 30% маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилиши асосида маҳсулот таннархи 2,5%га арзонлашишига, бу орқали эса, йилига 28,3 млн. сўм иқтисод қилинишига эришилади; транспорт харажатлари бўйича ҳар бир контейнердан 7050 АҚШ доллари миқдорида маблағ тежалишига, маҳсулот етказиб беришга кетадиган вақт 30 кунга қисқаришига эришилади; маҳсулотнинг бутловчи қисмлари 100% маҳаллийлаштирилса, корхонадан йилига 317 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий валюта четга чиқиб кетишининг олди олинади.

Фикримизча, «Навоий» ЭИИЗ ривожланишида муҳим омил сифатида хизмат қилувчи кадрлар тажрибаси, билими, ихтисослиги бўйича малакасини ошириш, янги ва юқори технологик жараёнларни бошқаришда кўникма ва тажрибаларини ривожлантириш, хорижий тилларни мукамал даражада эгаллаши ҳамда қайта тайёрлаш бўйича тизимни барпо этиш, яъни ўқув марказларини ташкил этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

«Навоий» ЭИИЗ фаолиятидаги яна бир эътибор берилиши муҳим бўлган

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин иқтисодий-индустриал зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармони.

масала, ЭИИЗга киритилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори уч млн. евро ва ундан кўп миқдорида бўлса, имтиёз берилиши кўзда тутилганлигидир. Фикримизча, баъзи бир мамлакатларнинг ҳали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан буткул халос бўлмаганлиги; «Навоий» ЭИИЗ эндигина фаолият юритишни бошлагани; инвесторлар учун эса, амалиётда синовдан ўтган ва самарали фаолият юритаётган ЭИХларга инвестиция киритиш афзалроқ эканлигини инобатга олиб, ушбу меъёр миқдори камайтирилиши ЭИИЗга кириб келадиган инвестициялар оқимининг ортишига хизмат қилади.

Қатор ривожланаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес субъектлари йирик компаниялар фаолиятини муваффақиятли тўлдириб бормоқда. Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кичик бизнес субъектларига кенг йўл очиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Диссертация ишида бир қатор ривожланаётган давлатларда ЭИХларнинг мамлакат иқтисодиётига, инвестиция оқимига, экспорт-импорт операцияларига таъсирини аниқлаш натижасида ва хориж тажрибасини умумлаштирган ҳолда Ўзбекистонда қандай ЭИХ турларини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда табиий бойликлар, меҳнат ресурслари потенциалини ва ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишини ҳисобга олиб, келажакда ЭИХларнинг турли кўринишларини ташкил этиш имкониятлари мавжуд эканлигини эътироф этиш мумкин. ЭИХни ташкил этишда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ёндашиш зарур. Чунки, вилоятнинг географик жойлашуви, ижтимоий, иқтисодий аҳволи, аҳоли турмуш даражаси ва ишчи кучининг сони, у ердаги инфратузилмалар ҳолати вилоятларда турлича. Шуни таъкидлаш жоизки, ЭИХлар Ўзбекистон минтақаларининг иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштирувчи восита сифатида хизмат қилиши мумкин.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида қуйидаги **илмий хулосалар** олинди:

1. ЭИХ деганда, мамлакатнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда, ҳўжалик юритувчи субъектлар қонун доирасидаги фаолият билан шуғулланиши ҳамда ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш қулай бўлиши учун, махсус бошқарув тизими (режими) ўрнатилган ҳудуд, яъни унда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар тизими амал қилган ҳудуд тушунилади.

Яратилган шарт-шароитлар ЭИХга ташқи дунё билан юқори даражада иқтисодий алоқада бўлиш имконини беради, божхона, солиқ ва инвестицион режимлар ички ҳамда ташқи инвестициялар учун қулай ҳисобланади.

2. Дунё миқёсида ЭИХлар сони доимий равишда ортиб бормоқда, уларни ташкил қилишдаги географик чегаралар кенгаймоқда, уларнинг шакли ўзгариб, ташқи савдо ҳудудларидан экспорт-ишлаб чиқариш ва комплекс ҳудудларга айланиб бормоқда. Ҳўжалик фаолияти моҳияти товар айирбошлашдан товар ишлаб чиқариш томон, хизмат кўрсатишнинг оддий турларидан илмий

даражада мураккаб бўлган турларига қараб ўзгариб бормоқда. Уларни ўзида мужассамлаштирувчи ЭИХлар миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувида муҳим омилга айланмоқда.

3. Жаҳон амалиётига кўра, қатор давлатларнинг иқтисодий ривожланишига ЭИХлар кучли таъсир кўрсатаётганлиги қуйидагиларда намоён бўлади: чет эллик инвесторлар ЭИХларга замонавий технологияларни олиб келади, ишлаб чиқариш жараёнига зарур бўлган янги бошқарув усуллари кўллайди; янги иш ўринлари яратилади, малакали мутахассислар шакллантирилиб, маҳаллий ишчи кучи замонавий техникадан фойдаланиши натижасида янги меҳнат услубларини ўзлаштиради; ЭИХларга инвестиция жалб қилаётган компаниялар ер ва инфратузилма объектлари учун тўловларни ўз зиммасига олади ва хизмат учун ҳақ тўлайди; маҳаллий аҳолининг турмуш даражаси ошади, даромадлари ўсади, ички бозорнинг юқори сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи тўлароқ қондирилади; ЭИХларда фаолият кўрсатаётган компаниялар бошқаларга нисбатан яхшироқ шароитларда бўлади. Бундай ҳудудларда ишлаб чиқариш сарф-харажатлари, хом ашё ва материаллар олиб кириш билан боғлиқ солиқ ва божлар йўқлиги, ишчи кучининг нисбатан арзонлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтириб, унинг рақобатбардошлигини оширади; ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятининг янада жонланиши, экспорт салоҳиятининг ошиши кабилар ҳисобига иқтисодиётнинг маълум тармоқ ва соҳалари ривожланишига кўмаклашади.

4. ЭИХ муваффақиятли фаолият юритиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжудлиги муҳим жиҳат ҳисобланади, яъни: мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва қулай инвестицион муҳитнинг шаклланганлиги; хорижий ва маҳаллий инвесторларни рағбатлантирадиган ва ҳуқуқларини кафолатлайдиган пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий базанинг мавжудлиги; ишлаб чиқариш ҳамда тижорат инфратузилмасининг ривожланганлиги; табиий географик муҳит; қулай иқтисодий конъюнктура.

5. АҚШ, Буюк Британия, Францияда ЭИХ, аксарият ҳолларда, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кучайтириш, маҳаллий сиёсатни амалга ошириш орқали депрессив туманлардаги кичик ва ўрта бизнесни жонлантиришга ва ҳудудлараро ривожланишдаги фарқларини йўқотиш, яъни ривожланишдан ортда қолаётган ҳудудларга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилади. ЭИХда фаолият юритаётган тадбиркорларга мамлакатнинг бошқа ҳудудларига қараганда хўжалик фаолиятини юритиши учун қатор енгилликлар ва сезиларли даражадаги молиявий имтиёзлар берилади. Бу мақсадлар хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилмаслиги билан хусусиятланади. Ривожланаётган мамлакатларда ЭИХларни ташкил қилишдан мақсад ривожланган мамлакатларникидан биров фарқ қилиб, энг аввало, хорижий инвестицияларни, замонавий техника-технологиясини жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ишчи кучи малакасини ошириш мақсадларида ташкил қилинади. Турли хилдаги имтиёзларнинг берилиши хорижий инвестициянинг кириб келишига йўл очиб беради.

6. ЭИХ фаолият кўрсатаётган мамлакатларда экспортнинг ўсиш даражаси бундай ҳудудлари йўқ мамлакатлар экспорт ўсиш даражасидан юқорироқ бўлади.

Аксарият ҳолатларда ЭИХнинг умумий экспортдаги улуши жуда баланд бўлиб, 13% дан 82% гача тебранади. Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида ЭИХлардан тайёр маҳсулот экспорт қилиш ҳисобига катта миқдорда чет эл валютасида даромад олиш имкони яратилмоқда.

7. Хитойдаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусияти бу ички иқтисодий ислохотларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш билан узвий боғланганлиги, ташқи савдо ва инвестицион режимнинг эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилганлигида ўз аксини топди.

Диссертация ишида эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. ЭИХларни ташкил этиш ва улардаги инвестицион фаолликни оширишда, ЭИХларнинг турлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, табақалаштирилган тарзда имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Қонунчиликда белгиланган «Навоий» ЭИИЗда солиқ имтиёзларини қўллаш режимига мувофиқ, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми кейинги поғонадаги имтиёзлар даражасига етказилганда солиқ имтиёзларини муддати илгари амалда бўлган имтиёз муддатини чегирган ҳолда ҳисобланади. Ушбу ҳолат мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага инвесторларнинг инвестициялар ҳажмини оширишга бўлган қизиқишларини рағбатлантирмайди. Шундан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми кейинги поғонадаги имтиёзлар даражасига етказилганда солиқ имтиёзларини муддати илгари амалда бўлган имтиёз муддатини чегириш амалиётини бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

3. «Навоий» ЭИИЗда кичик бизнес субъектлари энг камида 3 млн. еврога тенг миқдорда тўғридан-тўғри инвестицияларни киритган тақдирда ягона солиқ тўловидан имтиёзларга эга бўладилар. Бироқ, ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз олишнинг минимал миқдорининг юқорилиги ЭИИЗда кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолиятини рағбатлантирмайди. Шунга кўра ҳамда Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда «Навоий» ЭИИЗда улар фаолиятини ривожлантириш мақсадида ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларни қўллашда тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмининг энг кам миқдорини 500,0 минг еврога эквивалент этиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, нафақат йирик корхоналар, балки бу йирик корхоналарга хизмат кўрсатувчи кичик бизнес субъектларининг инвестицияларини жалб этишга хизмат қилади.

4. «Навоий» ЭИИЗда қўлланиладиган алоҳида божхона режимига мувофиқ, Ўзбекистон ички бозорига сотилган маҳсулот учун фойдаланилган хорижий хом ашёлар бўйича божхона тўловлари амалдаги ставканинг 50 фоиз миқдорида ундирилади, бироқ, маҳаллий хом ашёлари ишлатилса, ушбу хом ашёларни олиб кириш жараёнида қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи бюджетга тўлиқ суммада тўланади. «Навоий» ЭИИЗда маҳсулотларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш мақсадида республикамиз ички бозоридаги талабларни қондирувчи маҳсулотларни яратишда фойдаланилган маҳаллий хом ашёлар

бўйича ҳам хорижий хом ашёларга нисбатан қўлланилган имтиёзларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

5. Жаҳон амалиёти тажрибасига асосланган ҳолда мамлакатимизнинг алоҳида танлаб олинган ҳудудларида технологик парклар, эркин савдо, эркин тадбиркорлик, саноат ишлаб чиқариш ва эркин туризм ҳудудларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хитой ЭИХларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспортни кўпайтириш бўйича тўпланган тажрибадан келиб чиқиб улар аста-секин мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этиш лозим:

– мамлакатимизнинг аҳоли зич жойлашган, ортиқча ишчи кучлари мавжуд бўлган ҳудудларида эркин тадбиркорлик ҳудудларини ташкил этиш орқали, аҳолининг иш билан таъминлаш даражасини оширишга эришиш мумкин. Бунда уларда яратиладиган янги иш ўринлари сонига қараб табақалаштирилган тарзда солиқ тартибини қўллаш, кичик корхоналардан олинadиган ягона солиққа солиқ таътиллари бериш ва корхона ихтиёрида қоладиган солиқлар суммасини мақсадли равишда корхона фаолиятини кенгайтириш ва модернизациялашга йўналтирилишини белгилаб қўйиш лозим;

– миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишида, жумладан, маҳаллий хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида инновацияларни жорий қилишда илмий технопарклар муҳим роль ўйнайди. АҚШ ва ХХР тажрибаларига асосланган ҳолда Тошкент шаҳрининг талабалар шаҳарчаси ҳудудида (ЎЗМУ, ТДТУ ва Турин политехника институти ҳудудлари атрофида) илмий технопарк «уч бурчаги»ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур технопарк фаолиятини жумладан, илмий тадқиқот марказлари, ўқув лабораториялари, иш жиҳозлари ва ускуналар таъминотини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитаси маблағлари, инновацион лойиҳалар буюртмачилари ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳомийлик маблағлари, венчур фондлари ҳамда чет эллик буюртмачи корхоналар маблағлари ҳисобига амалга ошириш тавсия этилади.

6. АҚШ ва Бразилия каби давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам ЭИИЗда яратиладиган маҳсулотлар таркибида маҳаллий компонентлар улуши юқорироқ бўлишини таъминлаш лозим. Бунинг учун ЭИИЗдаги лойиҳаларда маҳаллий хом ашёнинг минимал улуши ишлаб чиқариш турига қараб белгилаб қўйилиши лозим. Мазкур тадбир ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга, ЭИИЗ билан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши орқали эса, ЭИИЗ ҳудудида ва бутун мамлакатда иқтисодий жараён омиллари ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

7. ЭИХлар республикаимиз иқтисодиётида катализаторлик хусусияти ва функциясини бажаришга эришишини, яъни хорижий компаниялар ва маҳаллий фирмалар ўртасида иқтисодий алоқаларни ўрнатишга йўналтирилишини таъминлаш лозим. Бунинг учун ЭИХ резидентларига хом ашё, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар етказиб берувчи маҳаллий корхоналарга махсус имтиёзлар ва

рағбатлар тизими жорий этилиши мақсадга мувофиқ. ЭИХларда фаолият юритаётган чет эл компаниялари билан маҳаллий фирмалар ўртасида алоқалар ўрнатилиши, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқаришларда экспортга йўналтирилганлик, бандлик даражаси ошиши кабиларга олиб келади.

8. ЭИХларга инвесторларни янада кўпроқ жалб этиш, лойиҳаларни тезроқ амалга оширишни таъминлаш учун ҳудудларда инвесторларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим қилишнинг электрон усулини интернет орқали жорий этиш амалиётини йўлга қўйиш лозим. ЭИХларга доир махсус интернет портал ташкил этилиб, унда чет эл инвесторларига рўйхатдан ўтиш, ҳудудда иш юритиш, ҳисобот тақдим этиш ва бошқа барча зарур маълумотлар базасини яратиш ҳамда мазкур базани узлуксиз энг сўнгги маълумотлар билан тўлдириб бориш лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Раимжанова М.А. Организационно-правовые вопросы формирования свободных экономических зон в Республике Узбекистан // Экономика и финансы. – Москва, 2008. - № 8. – С. 37-41.

2. Раимжанова М.А. Преимущества создания свободных экономических зон в Узбекистане для интенсивного развития регионов // Экономика и финансы. – Москва, 2009. - № 1. – С. 58-60.

3. Раимжанова М.А. Ўзбекистонда инвестицион фаолликни оширишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг роли // Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 175-177.

4. Раимжанова М.А. Ривожланаётган давлатларда Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш амалиёти ва тажрибалари (Хитой мисолида) // Молия. –Тошкент, 2010. - № 2. – Б. 94-98.

5. Раимжанова М.А. Эркин иқтисодий ҳудуд ва уни Ўзбекистонда ташкил этиш зарурияти ҳамда имкониятлари // Молия. –Тошкент, 2011. - № 1. – Б. 135-139.

6. Раимжанова М.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хориж тажрибаси // Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2011. – Б. 51-53.

7. Раимжанова М.А. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва ҳудуд тараққиёти // Молия. –Тошкент, 2011. - № 5-6. – Б. 101-105.

8. Раимжанова М.А. Эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш («Навоий» ЭИИЗ мисолида) // Миллий иқтисодиётни инновациялар асосида ривожлантиришнинг институционал муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. II-Том. – Тошкент, 2012. – Б. 374-376.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Раимжанова Мадина Асраровнанинг 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), эркин савдо, эркин саноат, техник татбиқ этиш ҳудудлари, эркин туризм ҳудудлари, эркин тадбиркорлик ҳудудлари.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш усули бўлган ЭИХлар фаолияти.

Ишнинг мақсади: миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ЭИХларга инвестициялар жалб қилишни фаоллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: тизимли ёндашув, гуруҳлаш, киёсий, иқтисодий таҳлил ва таққослаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: «эркин иқтисодий ҳудуд» тушунчаси иқтисодий мазмунини очиб берувчи такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган; ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ЭИХлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди, тавсифланди ва таснифланди; инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришда ЭИХларнинг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, табақалашган имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган; «Навоий» ЭИИЗда яратилган қулай инвестицион муҳитдан самарали фойдаланиш, жумладан айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари аниқланди; жаҳон амалиётида ЭИХларга хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги илғор тажрибалардан фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар берилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда ЭИХларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ҳамда алоҳида минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Хорижий инвестициялар», «Инвестицион сиёсат» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация ишининг илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Навоий вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ДУК дирекцияси, ДАТСК «Узпромашимпекс» томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинди. Диссертация материалларидан Тошкент молия институтида «Хорижий инвестициялар», «Инвестицион сиёсат» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Навоий вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, «Навоий» ЭИИЗ, ДАТСК «Узпромашимпекс», олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Раимжановой Мадины Асраровной на тему: «Активизация привлечения инвестиций в свободные экономические зоны Узбекистана», представленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: инвестиция, прямые иностранные инвестиции, свободные экономические зоны (СЭЗ), зоны свободной торговли, свободной промышленности, технического внедрения, свободные туристические зоны, свободные предпринимательские зоны.

Объекты исследования: деятельность СЭЗ как метод привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на активизацию привлечения инвестиций в СЭЗ в условиях модернизации национальной экономики.

Методы исследования: системный подход, группировка, сопоставление экономического анализ и сравнения.

Полученные результаты и их новизна: разработано усовершенствованное авторское определение, раскрывающее экономическую сущность «свободных экономических зон»; выявлены, охарактеризованы и классифицированы особенности деятельности СЭЗ в развитых и развивающихся странах; обоснована целесообразность предоставления дифференцированных льгот для активизации привлечения инвестиций исходя из целей СЭЗ; выявлены резервы снижения себестоимости продукции за счет эффективного использования благоприятного инвестиционного климата, предоставленного в СИЭЗ «Навои», включая использование местного сырья при производстве отдельных видов продукции; даны практические рекомендации по положительному применению передового опыта мировой практики привлечения иностранных инвестиций в СЭЗ.

Практическая значимость: разработанные научные предложения и практические рекомендации могут быть использованы в целевых программах создания и развития СЭЗ в национальной экономики и разработке проектов развития экономики отдельных регионов. Материалы диссертации могут быть использованы в высших учебных заведениях для совершенствования учебных программ и преподавания курсов «Иностранные инвестиции» и «Инвестиционная политика».

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации, разработанные в процессе исследования, приняты для внедрения в практику Управлением внешних экономических связей, инвестиций и торговли Навоийской области, Дирекцией государственного унитарного предприятия Свободная индустриально-экономическая зона «Навои», ГАВТК «Узпромашимпекс». Материалы диссертации используются Ташкентским Финансовым институтом в совершенствовании и преподавании курсов «Иностранные инвестиции», «Инвестиционная политика».

Область применения: Управление внешних экономических связей, инвестиций и торговли Навоийской области, СИЭЗ «Навои», ГАВТК «Узпромашимпекс», высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Raimjanova Madina Asrarovna on the scientific degree competition of the candidate of sciences in economy on specialty 08.00.07 – «Finance, money circulation and credit», subject: «Activation of investment attraction into Uzbekistan's free economic zones».

Key words: investments, foreign direct investment, free economic zones (FEZ), free trade, free industry, technical implementation zones , free tourist zones, free enterprise zones.

Subjects of the research: Operation of free economic zones as a tool for foreign investment attraction into Uzbekistan economy.

Purpose of work: developing scientific proposals and practical recommendations aimed at the activation of investments into FEZ in terms of economic modernization.

Methods of research: systematic approach, grouping, the relative economic analysis and comparisons.

The results obtained and their novelty: developed author's advanced definition exposing economic essence of «free economic zones»; exposed, described and classified peculiarities of FEZ in developed and developing countries; substantiated reasonability of granting differentiated privileges for activation of investments depending on goals of FEZ; explored reserves for decreasing the cost of production by effective utilization of favorable investment climate created in FIEZ «Navoiy» including utilization of local raw materials for manufacturing of some products; give practical recommendations for adoption of affirmative world practice on attraction of foreign investments into FEZ.

Practical value: developed in the research scientific proposals and practical recommendations to be implemented in programs of organization and development of FEZ in our country and in creation of certain regions development projects. Dissertation's materials can be used for advancing curriculums and lecturing in higher education institutions on such subjects as «Foreign investment» and «Investment Policy».

Degree of embed and economic effectivity: scientific proposals and practical recommendations of research were accepted for use in Navoi Province Department of Foreign Economic Relations, Investment and Trade, the Directorate of State Unitary Enterprise Free Industrial Economic Zone «Navoi» Republic of Uzbekistan, The State Joint-Stock Foreign Trade Company «Uzprommashimpeks». Dissertation materials are being used by Tashkent Financial Institute in advancing curriculums and lecture courses like «Foreign Investment» and «Investment Policy».

Field of application: Navoi Province Department of Foreign Economic Relations, Investment and Trade, FIEZ «Navoiy», The State Joint-Stock Foreign Trade Company «Uzprommashimpeks», higher education institutions.

Тадқиқотчи _____